Қуръонни такрорлаб туринглар! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, (Қуръон) арқонига боғлаб қўйилган туядан ҳам тезроқ қочиб кетади», дедилар

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуръонни такрорлаб туринглар! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, (Қуръон) арқонига боғлаб қўйилган туядан ҳам тезроқ қочиб кетади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Қуръонни ёдлаб қалбига жойлагандан сўнг эсдан чиқариб юбормаслик учун доимий равишда такрорлаб туришга буюрдилар. Шунингдек пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қасам ичиб, Қуръонни туёғини қайириб боғлаб қўйилган туядан ҳам тез қалбдан қочиб чиқиб кетишини таъкидладилар. Агар инсон уни такрорлаб турса, ушлаб қолади, агар бўш қўйса, қўлдан бой беради.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5907